

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚҮМИТАСИ**

БУХОРО ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

**БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ
РИВОЖЛАНИШИННИНГ АСОСИЙ
КЎРСАТКИЧЛАРИ
2017 йил январь-сентябрь**

Бухоро – 2017 й.

СҮЗ БОШИ

Бухоро вилоятининг статистик ахборотномаси – Бухоро вилоятининг ижтимоий-иктисодий ривожланиши, иктиносидиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Бухоро вилояти статистика бошқармасининг чораклик нашри хисобланади. Статистик ахборотномада 2017 йил январь-сентябрь ойлари якунлари бўйича Бухоро вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда, ҳисобот даври учун статистик кўрсаткичлар биринчи марта Европа ҳамжамиятининг Иктиносидий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иктиносидий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (2 тахрир) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ-2 талаблари кўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг В,C,D,E,F секциялари).

Шунингдек, ҳалқаро статистика амалиётига мувофиқ, иктиносидий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯҲМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар таъсири чиқариб ташланган).

Нашр 11 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиктисодий индикаторларни, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иктиносидий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар

	Ўлчов бирлиги	2017 йил январь- сентябрь	2016 йил январь- сентябрга нисбатан, фоиз хисобида
Ялпи ҳудудий маҳсулот	млрд. сўм	8058,2	103,0
Саноат маҳсулоти	млрд. сўм	4567,6	100,7
Истемол товарлари	млрд. сўм	2135,1	97,4
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	млрд. сўм	3337,2	105,8
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	млрд. сўм	7361,4	150,6
Курилиш ишлари	млрд. сўм	1911,6	102,6
Юк айланмаси	млн. тн-км	1695,5	100,8
Йўловчи айланмаси	млн. йўловчи-км	3027,0	105,5
Чакана товар айланмаси	млрд. сўм	4757,7	103,5
Хизматлар, жами	млрд. сўм	3320,2	102,6
Ташқи савдо айланмаси	млн. АҚШ долл.	603,0	115,4
Экспорт	млн. АҚШ долл.	136,0	75,3
Импорт	млн. АҚШ долл.	467,0	136,6
Иш кидирувчилар сифатида рўйхатда турганлар (ҳисобот даври охирига), *)	киши	722	3,2 м.к.
шу жумладан, расман ишсизлик мақомини олганлар, киши	киши	133	100,0

*) Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошкармаси маълумотлари бўйича


Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-сентябрда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 8058,2 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-сентябрига нисбатан ўсиш суръати 103,0 фоизга тенг бўлди.


Январь-сентябрь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби қуидагича ифодаланади:

	млрд.сўм		ўсиш суръати, %
	2016 йил январь- сентябрь	2017 йил январь- сентябрь	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	6921,4	8058,2	103,0
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	6225,8	7254,2	103,3
Маҳсулотларга соғ солиқлар	695,6	804,0	100,3
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	6225,8	7254,2	103,3
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1437,9	1762,1	105,8
Саноат (курилишни қўшган ҳолда)	2066,3	2301,8	100,5
саноат	1292,9	1445,9	99,2
курилиш	773,4	855,9	102,6
Хизматлар	2721,6	3190,3	104,1
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	721,5	833,0	101,4
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	661,1	767,5	105,7
бошқа хизматлари	1339,0	1589,8	104,8

Январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):
2016 йил



2017 йил



Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида вилояттинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири қишлоқ, ўрмон ва балиқ хұжалиги (105,8%), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари (105,7) ва бошқа хизматлар (104,8%) тармоқларидаги ялпи құшылған қиймат ҳиссасига түғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 68,8 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига түғри келди ва бу күрсаткич 2016 йил январь-сентябрда 69,1 фоизни ташкил қилган.

2017 йил январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 44,0 фоиз (2016 йил январь-сентябрда 43,7 фоиз)ни ташкил қилди.

Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри базаси маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига иқтисодиётнинг барча тармоқларида рўйхатга олинган юридик шахслар сони (дехқон ва фермер хўжаликларисиз) 16452 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётгандарни сони 15533 тани (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 94,4 фоизини) ташкил қилди.

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (22,8 фоизи), саноат (14,6 фоизи), қурилиш (9,9 фоизи), қишлоқ ўрмон ва балиқ хўжалиги (9,7 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига корхона ва ташкилотлар иқтисодиёт тармоқлари бўйича қўйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олингланлар		Фаолият кўрсатаётгандар	
	бирлик	якунга нисбатан фоизда	бирлик	якунга нисбатан фоизда
Жами	16452	100,0	15533	100,0
шу жумладан:				
кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1596	9,7	1452	9,4
саноат	2407	14,6	2274	14,6
қурилиш	1635	9,9	1523	9,8
савдо	3748	22,8	3514	22,6
ташиш ва саклаш, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2069	12,6	1941	12,5
ахборот ва алоқа	216	1,3	205	1,3
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	421	2,6	414	2,7
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	4360	26,5	4210	27,1

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 87,5 фоизи нодавлат мулки, шундан 20,9 фоизи хусусий корхоналар, 0,6 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,3 фоизи акциядорлик жамиятлари, 65,7 фоизи бошқа корхоналар улушкига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қўйидагида тақсимланади:


умумий сонига нисбатан фоиз хисобида



2017 йил январь-сентябрь ойларида жами 1644 та хўжалик юритувчи субъектлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг асосий қисми Бухоро шахри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 33,0 фоизи), Фиждувон (10,9 фоизи), Ромитан (9,2 фоизи,) ва Бухоро (7,0 фоизи) туманларига тўғри келади.

2017 йил январь-сентябрда иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қўйидагида ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз хисобида



■ Давлат сектори
■ Нодавлат сектори

Кичик тадбиркорлик (бизнес)

2017 йилнинг 1 октябрь холатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 13438 тани ташкил қилди.

2017 йил январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 68,8 фоизи (2016 йил январь-сентябрда 69,1 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2017 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

638,7 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлғанларнинг 77,3 фоизи), шундан банд бўлғанларнинг 352,1 минг нафари якка тартибдаги тадбиркор, 121,8 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар хиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2068,7 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 45,3 фоизи) ёки 2016 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 98,2 фоизни ташкил қилди;

- 3295,4 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 106,4 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 98,7 фоизи) ташкил қилди.

- 763,4 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестиациялар ҳажмининг 10,4 фоизи) ўзлаштирилди

- 1320,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (курилиш ишлари умумий ҳажмининг 69,1 фоизи) бажарилди ва 2016 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 4,7 фоизга кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 9,0 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 79,5 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 9,2 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 94,6 фоизи) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 92,3 фоизи ёки 4392,3 млрд. сўми (ўсиш 18,5 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 71,6 фоизи ёки 2379,4 млрд. сўми (пасайиш 1,6 фоиз) шакллантирилди;


- 67,5 млн.АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 49,6 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 66,2 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 14,2 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2017 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қўйидагича ифодаланади:

	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3295,4	100,0
Саноат	2068,7	62,9
Курилиш	1320,5	69,1
Чакана савдо	4392,3	88,1
Юк ташиш, млн тн.	56,9	45,4
Йўловчи ташиш, млн.киши	285,3	88,4
Экспорт, млн.АҚШ долл.	67,5	0,1
Импорт млн. АҚШ долл.	66,2	13,9

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қўйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Ташқи иқтисодий алоқалар

Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 602,9 млн.АҚШ долларини ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 115,4 фоизни, шу жумладан экспорт 136,0 млн.АҚШ долларини, ўтган йилга нисбатан 75,3 фоизни, импорт 466,9 млн. АҚШ долларини, ўтган йилга нисбатан 136,6 фоизни ташкил этди.

Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси қуйидаги кўрсаткичлар билан ифодаланади:

(минг АҚШ доллар)

	2016 йил январь- сентябрь	2017 йил январь- сентябрь	Ўсиш суръати, %
--	---------------------------------	---------------------------------	--------------------

Ташқи савдо айланмаси **522512,4** **602956,0** **115,4**

шу жумладан:

МДҲ мамлакатлари 333110,9 392006,9 117,7

бошқа хориж мамлакатлари 189401,5 210949,1 111,4

Экспорт **180728,6** **136030,2** **75,3**

шу жумладан:

МДҲ мамлакатлари 34731,5 38413,3 110,6

бошқа хориж мамлакатлари 145997,1 97616,9 66,9


Импорт **341783,8** **466925,8** **136,6**

шу жумладан:

МДҲ мамлакатлари 298379,4 353593,6 118,5

Бошқа хориж мамлакатлари 43404,4 113332,2 2,6 м.к.

Ташки савдо айланмасида МДХ ва бошқа хориж мамлакатларининг улуши куйидагича ифодаланади:




Экспорт ва импорт хажми таркибидаги ўзгаришлар динамикаси

	Экспорт ва импорт умумий хажмидаги улуши, фоиз хисобида		Хажмдаги ўзгариш, фоиз хисобида 2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз хисобида
	2016 йил январь-сентябрь	2017 йил январь-сентябрь	
Экспорт таркиби	100,0	100,0	75,3
пахта толаси	34,0	34,2	75,6
озиқ-овқат маҳсулотлари	9,7	17,9	138,4
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	0,5	1,3	176,9
машина ва ускуналар	0,5	-	2,9

	Экспорт ва импорт умумий хажмидаги улушки, фоиз хисобида		Ҳажмдаги ўзгариш, фоиз хисобида
	2016 йил январь-сентябрь	2017 йил январь-сентябрь	
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	19,7	19,8	75,7
қора ва рангли металлар	0,7	-	-
хизматлар	6,3	9,0	107,1
бошқалар	28,6	17,8	47,0
Импорт таркиби	100,0	100,0	136,6
озиқ-овқат маҳсулотлари	1,4	1,1	113,6
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	4,7	3,2	92,2
қора ва рангли металлар	1,7	1,0	80,9
машина ва ускуналар	9,4	20,7	3,0 м.к
хизматлар	0,2	0,1	83,8
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	78,1	70,4	123,1
бошқалар	4,5	3,5	104,8

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби

умумий хажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Вилоятнинг ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:


	Вилоятнинг ташқи товар айланмасидаги улуси, фоиз ҳисобида	2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
Россия Федерацияси	49,9	139,1
Хитой	13,7	2,4 м.к
Туркманистон	9,7	63,5
Эрон	6,9	66,9
Афғонистон	4,5	75,6
Қозогистон	4,0	141,5
Туркия	1,0	84,9
Украина	0,5	68,5
Жанубий Корея	0,4	16,5

Ҳисобот даврида вилоят жаҳоннинг 69 дан ортиқ мамлакати билан ташқи савдо операцияларини амалга оширди ва 22 дан ортиқ мамлакат билан ижобий сальдога эга бўлди.


2017 йил январь-сентябрь ойларида МДХ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо айланмаси таркиби қуидагича ифодаланади:

Экспорт

МДХ давлатлари




Бошқа хориж давлатлари




Импорт

МДХ давлатлари



Бошқа хориж давлатлари



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат махсулотлари
- Кимё ва пластмасса махсулотлари
- Қора ва рангли металлар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Энергия ресурслари
- Бондарлар

Саноат

2017 йил январь-сентябрь ойларида саноат маҳсулоти хажми 4567,6 млрд.сўмни ёки ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,7 фоизни ташкил этди.

Хисобот даврида 2135,1 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 97,4 фоизни ташкил этди. Жумладан, 1019,0 млрд.сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва 1116,1 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 99,0 фоиз ва 96,0 фоиз ишлаб чиқарилди.

2017 йил январ-сентябрда саноат тармоклари бўйича маҳсулот ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши қўйидагича ифодаланади:


	млрд. сўм	2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз хисобида
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажми	4567,6	100,7
Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	395,4	98,8
улардан:		
Кўумир ва лигнит, хом нефт ва табиий газ қазиб олиш	237,1	98,3
Тоғ- кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият	0,06	99,1
Тоғ- кон саноати соҳасидаги техник хизматлар	158,3	99,5
Ишлаб чиқарадиган саноат	3975,1	100,5
ундан:		
Озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1108,6	98,9
Ичимликлар ишлаб чиқариш	25,6	102,7
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	460,8	109,4
Кийим ишлаб чиқариш	292,5	82,3
Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	6,4	137,3
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	3,5	82,7

	млрд. сўм	2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз хисобида
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1344,1	100,9
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	160,3	103,6
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	5,0	96,5
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	298,6	106,6
Металлургия саноати	7,3	84,9
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	157,0	109,7
Мебел ишлаб чиқариш	94,0	106,1
Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	11,4	89,2
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	156,2	113,6
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йигиш ва утилизация қилиш	40,9	103,6
Истөймол товарларини ишлаб чиқариш	2135,1	97,4
шу жумладан		
озиқ-овқат товарлари	1019,0	99,0
ноозиқ-овқат товарлари	1116,1	96,0


Тармоқлар бүйича саноат махсусотини ишлаб чыкаш таркиби қуида келтирилганды:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз хисобида

2016 йил



2017 йил



■ Төр-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш

■ Ишлаб чыкарадыган саноат

■ Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

■ Сув билан таъминлаш: канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш

Саноат тармоқлари бүйича асосий махсусот турларини ишлаб чыкаш (йирик корхоналар бүйича)

	Үлчов бирлиги	январь-сентябрь 2017 й.	2016 й. январь-сентябрьга нисбатан % да
--	---------------	-------------------------	---

Төр-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш

Нефт	минг.тн	16,5	106,0
Табиий газ	млн.м.куб	3799,7	98,5
Газ конденсати	минг.тн	42,7	93,1

	Үлчов бирлиги	январь- сентябрь 2017 й.	2016 й январь- сентябрга нисбатан % да
--	------------------	--------------------------------	--

Ишлаб чиқарадиган саноат

Бензин	МИНГ.ТН	587,4	94,3
Дизел ёқилғиси	МИНГ.ТН	446,5	110,1
Мазут	МИНГ. ТН.	56,2	97,4
Керосин	МИНГ. ТН.	100,3	101,8
Сүюлтирилган газ	МИНГ. ТН.	6,3	121,2
Ароп	МИНГ.Л 100% спирт	1334,0	99,3
Узум виноси ёки узум турпини дистиллаш натижасида олинган спирт настойкалари, конъяк спиртидан ташқари	МИНГ.Л 100% спирт	17,7	122,9
Узум виноси	МИНГ. Л	681,0	101,5
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	МИНГ.ТН	10,0	76,9
Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г (буханка)	ТН	3050,4	82,9
Тозаланган ўсимлик ёғи	ТН	15225,0	91,4
Омихта ем	ТН	28423,0	104,7
Пахта толаси	МИНГ ТН	58,9	103,9
Пахта чигити	МИНГ ТН	78,0	100,4
Пахта (линти)	ТН	15225,0	91,4

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	МИНГ Гкал.	575,6	101,4
---------------------------------------	------------	-------	-------


Қишлоқ хўжалиги

2017 йил январь-сентябрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми амалдаги нархларда 3337,2 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 105,8 фоизни ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмида дехқончилик маҳсулотлари 1711,0 млрд.сўмни (ўтган йилга нисбатан 6,1 фоизга кўп), чорвачилик маҳсулотлари 1570,3 млрд.сўмни (ўтган йилга нисбатан 5,5 фоизга кўп), ўрмон, балиқчилик хўжаликлар ва бошқа хизматлар ҳажми 55,9 млрд.сўмни (ўтган йилга нисбатан 4,8 фоизга кўп) ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қўйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик тадбиркорлик субъектлари улуши 98,7 фоизни ташкил этди, жумладан дехкон хўжаликларининг улуши 73,2 фоизни ташкил этмоқда.

Дехқончилик. Вилоятда 2017 йил 1 октябрь ҳолатида давлат хирмонига 170,9 минг тонна ғалла топширилди. Шартномавий режа 103,3 фоизга уддаланди. Бундан ташқари келгуси йил ҳосили учун 16,4 минг тонна уруғлик дон ҳам тайёрланди.

Барча тизим хўжаликларида асосий ва такрорий экиндан 580,2 минг тонна дон етиштирилди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 21,5 минг тоннага ёки 3,6 фоизга кам.

2017 йил 1 октябрь ҳолатига барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 558,2 минг тонна бошоқли дон, шундан 546,3 минг тонна буғдой ишлаб чиқарилди.

Вилоят бўйича жами 181,9 минг тонна картошка (2016 йил шу даврига нисбатан 2,6 фоизга кўп), 591,7 минг тонна сабзавот (8,9 фоизга кўп), 204,1 минг тонна мева (4,7 фоизга кўп), 101,6 минг тонна полиз (2,6 фоизга кўп), 135,3 минг тонна узум (2,4 фоизга кам) етиштирилди.

Деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда деҳқон хўжаликларининг салмоғи юқори бўлмоқда, жумладан жами етиштирилган картошканинг 91,8 фоизи, сабзавотнинг 84,2 фоизи, полиз маҳсулотларининг 82,3 фоизи, узумнинг 70,4 фоизи ва меванинг 61,6 фоизи улар ҳиссасига тўғри келди.

Чорвачилик. 2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига барча тоифадаги хўжаликлар томонидан йирик шохли қорамоллар 1163,3 минг бошни, (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 фоизга кўп), шу жумладан сигирлар 396,4 минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,1 фоизга кўп), кўй ва эчкилар 2003,3 минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,5 фоизга кўп), паррандалар 3736,5 минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,1 фоизга кам) ташкил этди.

2017 йил 1 октябрь ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони қўйидагicha:

	минг бош	ўсиш суръати, %
Йирик шохли қорамол	1163,3	101,8
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	61,7	103,7
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1090,7	101,4
Кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	10,9	155,7
улардан сигирлар	396,4	100,1
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	17,4	100,6
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	376,0	100,0
Кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	3,0	103,4

	минг бош	ўсиш суръати, %
Куй ва эчкилар	2003,3	100,5
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	216,7	106,5
Дехқон (ахолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1643,2	101,9
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	143,4	80,4
Отлар	4,6	100,5
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	0,6	101,6
Дехқон (ахолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	3,7	100,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,3	101,7
Паррандалар	3736,5	99,9
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	195,0	106,8
Дехқон (ахолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	2506,3	108,9
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1035,2	82,3

2017 йил 1 октябрь ҳолатига барча тоифадаги хўжаликларда 159457 тонна тирик вазнда гўшт (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,2 фоизга кўп), 633690 тонна сут (6,9 фоизга кўп), 262049 минг дона тухум (0,6 фоизга кам) ишлаб чиқарилди.

Барча ҳудудларда чорвачилик махсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши, асосан дехқон хўжаликлари ҳисобидан бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий хажмида уларнинг улуши 97,0 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 95,3 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 66,5 фоизни ташкил қилди.

2017 йил январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари қуидагида:

	миқдори	ўсиш суръати, %
--	---------	--------------------

Гўшт (тирик вазнда), минг тн. **159,5** **106,2**

шу жумладан:

Фермер хўжаликлари 3,6 103,5

Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи)
хўжаликлари 154,7 106,5

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга
оширувчи ташкилотлар 1,2 80,5

Сут, минг тн. **633,7** **106,9**

шу жумладан:

Фермер хўжаликлари 26,5 108,9

Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи)
хўжаликлари 603,9 106,5

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга
оширувчи ташкилотлар 3,3 185,8

Тухум, млн. дона **262,0** **99,4**


шу жумладан:

Фермер хўжаликлари 4,4 110,6

Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи)
хўжаликлари 174,2 112,2

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга
оширувчи ташкилотлар 83,4 79,9

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби қуидагида ифодаланади:
ишлаб чиқариш умумий хажмига нисбатан фоиз хисобида



Фермер хұжаликлари. 2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатида фермер хұжаликларида 61,7 минг бөш йирик шохли қорамол, шу жумладан 17,4 минг бөш сигир, 216,7 минг бөш қүй ва әчкілар, 195,0 минг бөш паррандалар мавжуд бўлиб, 2016 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан йирик шохли қорамоллар сони 3,7 фоизга, қүй ва әчкілар 6,5 фоизга, паррандалар 6,8 фоизга кўпайган.

Фермер хўжаликларида асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуидагича ифодаланади:

	2016 йил январь-сентябрь		2017 йил январь-сентябрь		ўсиш суръати, %
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Гўшт, тирик вазнда	3455	2,3	3577	2,2	103,5
Сут	24303	4,1	26459	4,2	108,9
Тухум, минг дона	3977	1,5	4399	1,7	110,6
Қоракўл тери, дона	31160	8,0	33220	8,2	106,6
Жун	236	8,5	253	9,0	107,2
Пилла	2779,5	89,7	1739,87	93,8	62,6
Бошоқли дон	377336	64,9	372121	66,7	98,6
шундан: буғдой	372534	66,7	369493	67,6	99,2
Картошка	13239	7,4	14718	8,1	111,2
Сабзавот	75518	13,9	89784	15,2	118,9
Полиз	16981	17,2	17616	17,3	103,7
Мева ва резаворлар	69802	35,8	76841	37,7	110,1
Узум	39899	28,8	39453	29,2	98,9

Инвестициялар ва қурилиш

2017 йил январь-сентябрь ойларида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 7361,4 млрд.сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 150,6 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбаалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қўйида келтирилган:

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	Якунга нисбатан фоиз
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	7361,4	150,6	100,0
шу жумладан			
Марказлашган инвестициялар:	554,1	77,0	7,5
бюджет маблағлари	57,1	96,1	0,8
давлат мақсадли фонд маблағлари	352,3	167,7	4,8
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	144,7	30,6	1,9
Марказлашмаган инвестициялар	6807,3	163,3	92,5
корхоналарнинг ўз маблағлари	927,4	60,0	12,6
аҳоли маблағлари	533,8	97,0	7,3
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	5101,3	288,8	69,3
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	235,7	95,8	3,2
бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар	9,1	33,4	0,1

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибида қурилиш ва монтаж ишларининг улуши 2016 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 14,7 фоизга ошган ва машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 3,6 фоизга, бошқа харажатлар 11,1 фоизга камайган.

2017 йил январь-сентябрда асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби қуйида келтирилган:

	жами	Давлат	Нодавлат
Жами, млрд. сўм	7361,4	407,3	6954,1
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз хисобида			
қурилиш-монтаж ишлари	75,8	82,4	75,4
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	5,6	14,3	5,1
Бошқа ҳаражатлар	18,6	3,3	19,5

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмига нисбатан фоиз хисобида



Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 644,6 млрд.сўм ёки 71,3 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилган. 2017 йилнинг январь-сентябрь ойларида умумий майдони 596,2 минг кв.м. бўлган 4258 та уй-жой (ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 85,8 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 464,2 минг кв.м. (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 82,5 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

Умумтаълим мактабларини қуриш ва қайта таъмирлашга 30,7 млрд.сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 3,4 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестиацияларнинг 54,6 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 18,0 км. узунликдаги ичимлик суви, 10,2 км. узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2016 йил январь-сентябрга нисбатан мос равища 28,9 ва 64,6 фоизни ташкил қилди. Ишга туширилган умумий ичимлик сув тармоқларининг 14,8 км. ёки 24,7 фоизи ва газ тармоқларининг 9,5 км. ёки 60,1 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 3,6 млрд. сўм, аҳоли маблағлари хисобидан 0,3 млрд. сўм (10,0 фоизи), газ тармоқлари қурилишига 0,2 млрд. сўм, инвестициялар ўзлаштирилди, бу 100,0 фоиз аҳоли маблағлари хисобига тўғри келди.

Қурилиш фаолияти. 2017 йил январь-сентябрда 1911,6 млрд. сўмлик қурилиш пудрат ишлари бажарилиб, 2016 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш суръати 102,6 фоизни ташкил этди.


Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 58,1 фоизи янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 41,9 фоизи капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишларига тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 1803,9 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, қурилиш ишларининг умумий ҳажмида 94,8 фоизни (2016 йил январь-сентябрга нисбатан 0,1 фоизга камайди) ташкил қилди.


Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти куйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз хисобида

2016 йил январь-сентябрь



2017 йил январь-сентябрь



- Давлат мулки
- Фуқаролар хусусий мулки
- Хўжалик бирлашмалари мулки
- Кўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлар мулки
- Бошқа мулкчилик шакллари

Транспорт

Юк ташиш. 2017 йилда барча транспорт турлари томонидан 63,1 млн.тонна юк ташилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 5,2 фоизга кўпайди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 1695,5 млн.тн.км.ни ташкил қилди ва ўтган йилга нисбатан 0,8 фоизга кўпайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қўйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-сентябрь	2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз хисобида
Ташилган юк, млн.тн.	63,1	105,2
шу жумладан:		
автомобил транспортида	63,1	105,2
Юк айланмаси, млн.тн.км.	1695,5	100,8
шу жумладан:		
автомобил транспортида	1695,5	100,8

Автомобил транспортида 63,1 млн.тонна юк ташилган бўлиб, 2016 йилга нисбатан 5,2 фоизга ўсди.

Хусусий юк ташувчилар автомобил транспортининг юк айланмаси 2016 йилнинг январь-сентябрга нисбатан 6,0 фоизга кўпайди ва 1055,6 млн. тн.км.ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 62,3 фоизни ташкил этди. (2016 йил январь-сентябрда уларнинг улуши 59,2 фоиз бўлган).

Йўловчи ташиш. Жорий йилда барча транспорт турлари томонидан 291,7 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсатгич ўтган йилга нисбатан 4,6 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 2016 йилга нисбатан 5,5 фоизга кўпайиб, 3027,0 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қўйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-сентябрь	2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз хисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	291,7	104,6
шу жумладан:		
автомобил транспортида	291,7	104,6
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	3027,0	105,5
шу жумладан:		
автомобил транспортида	3027,0	105,5

Товарлар ва хизматлар бозори

2017 йилнинг январь-сентябрида товар айланмаси 4757,7 млрд сўмни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 3,5 фоизга ошди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қўйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь- сентябрь млн.сўм	2016 йил январь- сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	Якунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	4757708,5	103,5	100,0
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:			
давлат мулки	1406,5	130,0	-
нодавлат мулки	4756302,0	103,5	100,0
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	3868819,3	102,1	81,3

Расмий сектордаги уюшган савдо корхоналарининг савдо айланмаси ҳажми жорий йилда 1315,2 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2016 йил январь-сентябрга нисбатан 112,9 фоизни ташкил қилди.

Норасмий секторнинг (буом бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар) товар айланмаси 3442,5 млрд. сўмни ташкил қилиб ёки 2016 йилнинг январь-сентябрга нисбатан 0,3 фоизга ошган. Товар айланмасининг умумий ҳажмида унинг улуши 72,4 фоизни ташкил қилди.

Жорий йилда савдо айланмаси таркиби қўйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь- сентябр млн. сўм	2016 йил январь- сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	Якунга нисбатан фоиз ҳисобида
Товар айланмаси	4757708,5	103,5	100,0
шу жумладан:			
уюшган савдо корхоналари	1315234,4	112,9	27,6
уюшмаган савдо	3442474,1	100,3	72,4

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 156,5 млрд. сўмга етди ёки 2016 йил январь-сентябрга нисбатан 83,7 фоизни ташкил қилди.

2017 йил январь-сентябрда **иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар** ҳажми 3320,2 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 906,0 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 27,3 фоизини ташкил қилди. 2016 йил январь-сентябрга нисбатан ҳақиқий ўсиш 102,6 фоизни ташкил этди.


2017 йил январь-сентябрь ойида кўрсатилган хизмат турлари бўйича (амалдаги баҳоларда) қуидагича ифодаланади:

	2017 йил январь- сентябрь млн.сўм	2016 йил январь- сентябрга нисбатан фоиз хисобида	Якунга нисбатан фоиз хисобида
Жами хизматлар	3320164,1	102,6	100,0
шу жумладан			
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	225848,3	114,1	6,8
Молия хизматлари	330014,0	121,8	9,9
Транспорт хизматлари	651085,9	99,8	19,6
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	203240,3	105,1	6,1
Савдо хизматлари	1176683,4	95,9	35,4
Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	109776,6	102,8	3,3
Таълим хизматлари	137101,2	118,6	4,1
Соғлиқни саклаш хизматлари	68067,1	107,1	2,1
Ижара ва прокат хизматлари	105525,5	100,6	3,2
Компьютерларни ва майший товарларни таъмирлаш хизматлари	97654,0	101,0	2,9
Шахсий хизматлар	86014,0	100,8	2,6
Меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	30858,5	104,0	0,9
Бошқа турдаги хизматлар	98295,3	105,4	3,1

Хизмат кўрсатишида энг катта улуш савдо (35,4 фоизи), транспорт (логистик хизматлар билан бирга) (19,6 фоизи), молиявий (9,9 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш (6,8 фоизи), таълим (4,1 фоизи) ва бошқа (3,1 фоизи) хизматларга тўғри келди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, уяли алоқа, “Интернет” тармоғидан фойдаланиш, кабель телевизион алоқаси, почта ва электрон алоқа хизматларини ўз ичига олган ҳолда ўтган йилга нисбатан (14,1 фоизга кўп), Молия хизматлари, банк, суғурта ва молиявий лизинг хизматларини ўз ичига олган ҳолда (21,8 фоизга кўп) ва яшаш ва овқатланиш хизматлари билан бирга (5,1 фоизга кўп) ўсиш юқори бўлди.

2017 йил январь-сентябрда бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари қуйидагича:



- Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари
- Молия хизматлари
- Транспорт хизматлари
- Яшаш ва овқатланиш хизматлари
- Савдо хизматлари
- Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар
- Таълим хизматлари
- Софлиқни сақлаш хизматлари
- Ижара ва прокат хизматлари
- Компьютерларни ва майший товарларни таъмирлаш хизматлари
- Шахсий хизматлар
- Меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар
- Бошқа турдаги хизматлар

Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 1862,8 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 19,3 минг кишига ёки 1,0 фоизга кўпайди.

Ҳисобот даврида аҳолининг табиий ўсиши 15,2 минг кишини ташкил этди. 2017 йил январь-сентябрь ойида аҳолининг кўчиб келиш ва кўчиб кетиш миграция сальдоси, дастлабки маълумотларга кўра, -1,7 минг кишини ташкил қилди. (Кўчиб келганлар 5,3 минг киши, кўчиб кетганлар 7,0 минг киши).

2017 йил январь-сентябрь ойида аҳолининг табиий ҳаракати қўйидагича ифодаланади:

	Минг нафар			Хар 1000 кишига	
	2016 йил	2017 йил*)	ўсиш, камайиш (+,-)	2016 й	2017 й*)
Туғилганлар	28,5	27,1	-1,4	20,6	19,5
Ўлганлар	6,0	6,0	0,0	4,2	4,3
шу жумладан бир ёшгача болалар**)	0,3	0,2	-0,1	9,3	8,7
Табиий ўсиш	22,5	21,1	-1,4	16,4	15,2
Никоҳлар	10,6	10,6	0,0	7,7	7,6
Ажралишлар	1,2	1,4	0,2	0,9	1,0

2017 йилнинг январь-сентябрида туғилганлар сони 27,1 минг кишини ташкил қилди ва 2016 йилга нисбатан, туғилиш коэффициенти 1,1 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиш даражаси Фиждувон туманида (23,5 дан 21,3 промиллега), Бухоро туманида (18,7 дан 17,7 промиллега), Пешкў туманида (18,7 дан 17,6 промиллега), Шофиркон туманида (23,0 дан 21,2 промиллега), Олот туманида (22,6 дан 20,4 промиллега), Вобкент туманида (21,0 дан 20,4 промиллега) кузатилди. Жорий йилда туғилишнинг энг паст даражаси Бухоро шаҳрида (15,6 промилле) бўлгани кузатилди.

2017 йил январь-сентябрда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан вилоят бўйича ўлганлар сони 6,0 минг кишини ташкил қилди. Ўлганлар сонининг кўпайтиш ҳолати эса Олот туманида (4,1 дан 4,5 промиллега), Бухоро шаҳрида (4,5 дан 4,8 промиллега), Когон туманида (4,8 дан 4,9 промиллега), Қоракўл туманида (4,1 дан 4,5 промиллега), Жондор туманида (3,8 дан 4,2 промиллега) Шофиркон туманида (4,2 дан 4,5 промиллега) кузатилди.

*) Дастлабки маълумот

**) хар 1000 туғилганларга

Энг кўп ўлим ҳоллари Когон туманида (5,0 промилле) бўлиб, энг кам ўлим ҳоллари Коравулбозор туманида (3,0 промилле) кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан қон айланиш системаси касалликларидан 3,6 минг та (60,0 фоизи), баҳтсиз ҳодисалардан 0,4 минг та (6,6 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан 0,3 минг та (5,0 фоизи), саратон касалликлари 0,6 минг та (10,0 фоизи) ва юқумли касалликлардан 0,1 мингта (1,7 фоизи) бошқа касалликлардан 1,0 мингта (16,7 фоизи) вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил 1 октябрь ҳолатига бир ёшга тўлмай ўлган болалар сони 242 тани ташкил қилди. Гўдаклар ўлими 2016 йилнинг январь-сентябрида 9,3 промилле бўлиб, 2017 йил январь-сентябрида 8,7 промиллени ташкил этди.


Жами бир ёшга тўлмай ўлган болалардан перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан 126 та (52,1 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан 31 та (12,8 фоизи) вафот этган.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2017 йилнинг январь-сентябрида ФХДЁ органларида 10558 та никоҳлар ва 1361 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 7,6 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида – 7,7 та) ва 1,0 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида – 0,9 та) тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 5247 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 7046 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиги минус 1799 кишига (2016 йилнинг шу даврида - минус 1522 киши) teng бўлди.

Энг катта минус қолдиклар Бухоро шахрида (минус 1943) Когон шахри ва Пешкуда (минус 298), Гиждувон (минус 381) туманларида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-сентябрда қўйидагича ифодаланади:



Мехнат ресурсларининг сони дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-сентябрга нисбатан 0,8 фоизга қўпайиб, 1073,0 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 57,6 фоизини ташкил қилди.

Вилоятда иш билан банд бўлганлар сони 825,4 минг кишини ташкил этди ва бу ўтган йилга нисбатан 0,2 фоизга ошди.

Нодавлат секторида банд бўлганлар улуши 2017 йилда ўтган йилга нисбатан ўзгармаган бўлиб 82,2 фоизни ташкил килди.


2017 йилнинг январь-сентябрида меҳнат бўлимларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб 13,4 минг фуқаро мурожаат қилди. Бу 2016 йил январь-сентябрга нисбатан 3,0 минг кишига ёки 18,4 фоизга камайди. Меҳнат бўлимларига иш қидириб мурожаат этганлар даражаси Бухоро шаҳрида (вилоят бўйича иш қидириб мурожаат этганлар умумий сонининг 14,9 фоизи), Когон шаҳрида (8,6 фоизи), Коракўл (9,1 фоизи), Шофиркон (12,0 фоизи), Фиждуон (12,3 фоизи) туманларида юқори бўлди.

Меҳнат бўлимларига мурожаат қилганлардан 12,3 минг фуқаро (барча мурожаат этганларнинг 91,8 фоизи) ишга жойлаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич 2016 йилнинг шу даврига 96,4 фоизни ташкил килган.

2017 йил сентябрь ойининг охирида иш қидириш учун вилоят меҳнат бўлимларида ҳисобда турган аҳоли сони 722 кишини ташкил қилди. (2016 йил сентябрь ойининг охирида 222 киши бўлган.)

Ишга жойлашиш мақсадида меҳнат бўлимларида рўйхатда турган аҳолининг аксарияти Фиждуон туманига (268 киши, вилоят миқёсида жами рўйхатда турганларнинг 37,1 фоизи), Когон туманига (71 киши, жами рўйхатда турганларнинг 9,8 фоизи), Шофиркон туманига (123 киши 17,0 фоизи) ва Бухоро шаҳрига (51 киши, жами рўйхатда турганларнинг 7,1 фоизи) тўғри келади.

Меҳнат бўлимлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қўйидагicha ифодаланади:



Меҳнат бўлимларида рўйхатга олинган иш билан банд бўлмаган фуқаролар умумий сонидан шу йилнинг сентябрь ойи охирига 374 киши ишсиз, деб эътироф этилган.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг маълумотларига кўра, 2017 йил январь-сентябрь ойида хизматлар соҳаси ва сервисни ривожлантириш мақсадли комплекс Дастурларини амалга ошириш доирасида, вилоят бўйича 42,8 минг иш жойлари ташкил қилинган.

Вилоят бўйича ташкил қилинган янги иш жойлари умумий сонининг 62,6 фоизи (26,7 мингта иш жойи) қишлоқ жойларга тўғри келади.